

БАНАН АЖВОРОННОМАНИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 23 (526) 2006 йил 24 май

«АСАКА»БАНК ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР

«Ўзаро ҳамкорлик - тараққиёт гарови».

Бугунги кунда мазкур фикр ўз келагини ўйлаган ҳар бир давлат, қолаверса ҳар бир ташкилот, корхона, муассаса учун шиор вазифасини ўтамоқда. Мамлакатимиздаги йирик молиявий ташкилотлардан бири бўлган «Асака»банк ҳам бундан мустасно эмас. Чунки бу фикр шунчаки гап бўлиб қолмасдан у ўз негизда жуда катта мақсадларни, ривожланиш тамойилларини мужассамлаштирган.

Республикаимиз ҳудудида жами 26 та филиал, 75 та мини-банк ҳамда 60 га яқин жамғарма кассалари орқали аҳолига замонавий ва сифатли банк хизматларини кўрсатиб келаётган «Асака»банкнинг айна пайтда ер юзидagi 200 дан ортиқ йирик банклар билан корреспондентлик алоқалари мавжуд. Буларнинг 11 таси бевосита Россия ҳудудида жойлашган бўлиб, уларга «Внешторгбанк», «Промстройбанк», «МДМ Банк», «Росевробанк», «Европа Траст банк» ҳамда «Осиё Инвест Банк»лари киради. Шунинг эътирофи этиб ўтишимиз жоизки, бир пайтлар «Асака»банкнинг ушбу банклар билан ўрнатган алоқалари бугунги кунда, яъни давлатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама - сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий алоқалар мустаҳкамланиши туфайли тобора кучайиб бормоқда. Бунга мисол тариқасида банкнинг Москвада жойлашган акциядорлик-тижорат «Осиё Инвест Банк» билан ўрнатган ўзаро ҳамкорлик алоқаларини айтиб ўтишимиз мумкин.

(Давоми 2-бетда).

«МИКРОКРЕДИТБАНК» ЛИЦЕНЗИЯЛАРИ АЛМАШТИРИБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан «Тадбиркор» акциядорлик-тижорат банки негизда «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори билан «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкни операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия ва чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун берилган Бош лицензия бланклари алмаштириб берилди.

Марказий банк матбуот хизмати.

БУ СОНДА:

3

Микрокредитлар бериш тартиби

6

Бизнесда ахборот хавфсизлигини таъминлаш

7

Солиқлар рағбатлантириши керак

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 23 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйдаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	919,71
1 Англия фунт стерлинги	2287,91
1 Дания кронаси	208,93
1 БАА дирҳами	332,61
1 АҚШ доллари	1221,39
1 Миср фунти	212,14
1 Исландия кронаси	17,05
1 Канада доллари	1088,19
1 Хитой юани	152,34
1 Кувейт динори	4224,51
1 Россия рубли	45,24
1 Украина гривнаси	241,86
100 Ливан фунти	81,26
1 Малайзия ринггити	336,33
1 Норвегия кронаси	199,96
1 Польша злотийси	394,71
1 Сингапур доллари	767,98
1 СДР	1819,04
1 Туркия лираси	823,59
1 Швеция кронаси	166,45
1 Швейцария франки	1002,62
1 ЕВРО	1556,78
10 Жанубий Корея вони	12,88
10 Япония иенаси	109,12

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЭРОН ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНА БИТТА БАНК ОЧМОҚЧИ

Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Мухаммад Фатҳали ушбу давлатнинг яна бир банки юртимизда ўз филиалини очишини билдирди. Бу ҳақдаги аниқ маълумотларни эълон қилишга ҳали эрта, деб ҳисоблаган элчи жаноблари: «Эроннинг жаҳонга машҳур «Содерат» банки Ўзбекистонда самарали иш олиб бормоқда. Шунинг инobatга олган ҳолда энг йирик хусусий банкирларимиздан бири ҳам Ўзбекистон бозорида иш бошлаш ниятида», - дейиш билан қиёяланди.

Бундан ташқари, Эрон Экспортни ривожлантириш банки Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан умумий миқдори 10 млн. еврога тенг битим имзолаган бўлиб, унга кўра, ушбу маблаг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги бир нечта туманларни ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳасини молиялашга сарфланади. Лойиҳани амалга оширишда бош пудратчи сифатида Эроннинг «Обгустар-Шарк» компанияси иштирок этиши кутилмоқда.

Эрон Ислом Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида бўлиб ўтган мат-

буот анжуманида шу ҳақда маълум қилинди. Шунингдек, анжуманда Фатҳали жаноблари икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларга ҳам батафсил тўхталди. Элчи давлатларимиз ишбилармонларининг ўзаро ҳамкорлигини юқори баҳолаб, бу борадаги имкониятлар ҳали тўлиқ ишга солинмаганини таъкидлади.

Статистик маълумотларга кўра, ҳозирда Ўзбекистонда эронлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда очилган 50дан ошдиқ қўшма корхона ишламоқда. Икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми эса, йилига 450 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Жаноб Мухаммад Фатҳали бу кўрсаткичларнинг ўсиб боришида Тошкентда мунтазам ўтказиб келинаётган Эрон Ислом Республикаси ихтисослаштирилган кўргазмаси муҳим ўрин эгаллашини қайд этди. Жумладан, 2005 йилда ўтказилган 2- кўргазмадан сўнг давлатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 25 фоизга, қўшма корхоналар сони эса, ўнтага ортди. 23 май куни очилган навбатдаги кўргазма ҳам ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Матбуот анжуманида билдирилишича, бу йилги кўргазмада Эроннинг нефтегаз, фармацевтика, пахтани қайта ишлаш ва машинасозлик каби ўнлаб йўналишларда фаолият юритувчи 50га яқин компаниялари қатнашмоқдалар.

Матбуот анжуманини якунлар экан, элчи жаноблари Эрон томони Ўзбекистон билан иқтисодий алоқаларни янада чуқурлаштиришга интилишини билдирди.

Зиёд БОЙМАТОВ.

ЎҚУВ МАРКАЗИДАГИ ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

Республика «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг ижроси барча ўқув муассасаларида бажарилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тасарруфидаги банк мутахассисларининг соҳавий малакасини ошириш ўқув марказида ҳам бу борада самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Марказий банк Бошқарувининг 2000 йил 22/15- қарори билан ташкил этилган мазкур ўқув марказида Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ходимлари ҳамда Марказий банк тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар мутахассислари ўз малакаларини узлуксиз ошириб келмоқдалар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 29 январдаги 1/7 - сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2005 йил 10 мартда 1455-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кре-

дит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари кўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда, тижорат банклари филиаллари бошқарувчилари ва бош бухгалтерлари Марказий банкда тузилган касбга лаёқатлилиқ комиссияси тавсияси билан бир ҳафталик семинар машғулотларда ўз малакаларини оширадилар.


Бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб банк ходимларининг иқтисодий, касбий, ҳуқуқий ва маданий - маърифий тайёргарликлари савиясини узлуксиз ошириб бораётган мазкур ўқув маркази яқинда яна бир янги лойиҳа юзасидан иш бошлади.

(Давоми 2-бетда).



АҚШ доллари ва евронинг ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 23 май ҳолатига ўзбек сўмга нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎЗР ТИФ МБ	1231,00	1233,00	1557,00	1577,00
«Асака» банки	1230,00	1232,00	1560,00	1574,00
«Ўзсаноатқурилишбанк»и	1230,00	1233,00	1558,00	1568,00
«Пахта Банк»	1230,00	1235,00	1570,00	1574,00
«Халқ банк»и	1230,00	1232,00	1557,00	1571,00
«Ипотекабанк»	1230,00	1233,00	1557,00	1565,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1230,00	1231,00	1567,00	1575,00
«ЎзДЭУбанк»	1230,00	1235,00	1557,00	1572,00
«Ғаллабанк»	1230,00	1233,00	1557,00	1567,00
«Трастбанк» АББ	1230,00	1232,00	1557,00	1577,00
«Алп Жамол банк»	1230,00	1235,00	1567,00	1575,00
«Алокабанк»	1232,00	1234,00	1557,50	1581,00
«У-Т банк»	1230,00	1232,00	1560,00	1580,00
«Туронбанк»	1230,00	1235,00	1568,00	1574,00
«Савдогарбанк»	1230,00	1233,00	1557,00	1570,00
«Ипак йули» банки	1230,00	1233,00	1567,75	1571,58
«Тадбиркорбанк»	1230,00	1233,00	1568,00	1572,00
«Туркистон» банк	1230,00	1232,00	1550,00	1570,00
«Даврбанк»	1230,00	1234,00	1590,00	1605,00
«Кредит-Стандарт» банки	1230,00	1235,00	1557,00	1575,00
«Капитал банк»	1230,00	1235,00	1556,80	1580,00
«Содерат банк»	1230,00	1235,00	1557,00	1577,00
«Хамкор» банк	1230,00	1232,00	1557,00	1577,00
«Универсалбанк»	1230,00	1235,00	1565,00	1575,00
«Паринабанк»	1230,00	1232,00	1560,00	1568,00



ЎҚУВ МАРКАЗИДАГИ ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу мамлакатимиздаги мавжуд барча тижорат банкларининг филиал раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари захирасини яратиш мақсадида иқтидорли мутахассисларнинг малакасини оширишга қаратилган семинар машғулотларининг ташкил этилганлигидир.

Уларнинг ушбу амалий машғулотларда қатнашиши Марказий банкнинг тижорат банклари раҳбар ходимларини танлаш ва улар билан ишлаш Бош бошқармасининг тавсияси билан таъминланади.

Икки ҳафта давом этадиган мазкур семинар асосан 4 босқичда ўтади. Унда тингловчилар дастлаб Марказий банк департамент ва мустақил бошқармаларнинг бошликлари ҳамда узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган малакали мутахассислар томонидан ўқиладиган пул муомаласини тартибга солиш масалаларига оид маърузалар тинглайди. Мутахассислар уларга "Жорий йилдаги пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари", "Банклар томонидан нақд пул муомаласини ташкил этиш масалалари", "Тижорат банкларидан касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташиш, сақлаш ва улар устидан тафтиш ўтказиш қоидалари" мавзуларида маъруза ўқишади. Амалий машғулотнинг иккинчи босқичи эса, банклар соҳасини ислоҳ қилиш ва тижорат банклари фаолиятининг назоратига бағишланган бўлиб, унда қатнашчилар "Тижорат банкларидан GAMEL рейтинг тизими ва унинг аҳамияти" ҳамда "Кредит уюшмалари ва ломбардлар фаолиятини тартибга солиш масалалари" ҳақида ахборот оладилар. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва тўлов тизими ҳақидаги семинар ўз ичига "Тижорат банкларидан кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва фоиз ҳисоблаш тартиби" ҳамда "Жи-

ной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари" каби мавзуларни олиб, у машғулотнинг учинчи босқичида ўтилади. Сўнгги босқич бевосита бугунги долзарб мавзулардан бири бўлган микрокредитлаш тизими, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини, фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлаш масалаларидан иборатдир. Бунда тингловчилар "Кичик бизнес субъектларига қишлоқ хўжалиги техникаси ва мини технологияларни лизингга бериш тартиби ва лизинг операцияларининг афзалликлари" ҳамда "Фермер хўжаликларига кредит бериш тартиби" ни ўргандилар.

Бундан ташқари, машғулот давомида банк мутахассисларига банк соҳасига оид қабул қилинаётган қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига киритилган қўшимча ва янгиликлар тўғрисида ҳам дарслар ўтилади.

80 соатга мўлжалланган мазкур семинарларнинг ҳар чорагида тингловчилар махсус синов сўхбатидан ўтказилиб, машғулотлар якунида улар Ўқув марказининг сертификатлари билан тақдирланади.

Шунингдек, яқинда Ўқув маркази режалаштирган яна бир лойиҳанинг синов босқичи бўлиб ўтди. Гап шундаки, Марказий банк томонидан дистанцион (масофадан туриб) ўқитиш тизими йўлга қўйилган бўлиб, у ҳудудий бошқармаларда фаолият юритаётган мутахассислар ўртасида телемулоқот тарзида ўтказилди. Тўғридан-тўғри савол-жавоблар шаклида ўтган биринчи машғулотда қатнашчилар банк тизимидаги замонавий хизматлар ва юз бераётган ўзгаришлар юзасидан кўп маълумотга эга бўлдилар. Масофадан туриб ўқитишнинг навбатдаги қисми шу яқин кунларда янги мавзуларда ўтказилиши кўзда тутилган.

Назира МАВЛОҒОВА.

«АСАКА»БАНК ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

1998 йилда ҳамкорлик ишларини йўлга қўйган мазкур банк айни пайтда «Асака»банк билан ўзбек сўми ва АҚШ долларидан вакиллик ҳисобрақамларини очган. Бугунги кунда ушбу ҳисобрақамлар орқали газначилик, савдони молиялаштириш ҳамда дилинг амалиётлари олиб борилмоқда.

«Асака»банк ҳақида гап кетар экан, унинг бошқа молиявий тизимларни ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишлари ҳақида тўхталмасдан иложи йўқ. Мисолни банк олиб бораётган кредит сиёсатидан бошласак.

Банк филиаллари томонидан ажратилаётган кредитлар асосан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ускуналар, улар учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлар сотиб олишга, маҳаллий хом ашё негизда маҳсулот ишлаб чиқариш, маиший хизмат турларини ривожлантириш бўйича мавжуд лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

2005 йил давомида банк томонидан реал иқтисодиётга йўналтирилган кредит қўйилмаларининг ҳажми 2004 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан 84,8 млрд. сўмга ёки 24 фоизга ўсишга эришилди. Умумий кредит қўйилмаларининг ҳажми эса, 434,7 млрд. сўмга етказилди.

Халқаро молия институтлари ва чет эл банклари билан ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича олиб борилган ишлар натижасида, банк томонидан: Туркия Экспорт-Кредит банки (Туркэксимбанк), Чехия Райффайзен банки, Хитой саноат тижорат банки, Австриянинг RZB банки билан, шунингдек "Sinosure" Хитой экспорт сўғурта жамияти, "EGAP" экспорт сўғурта жамияти ва Ислон тараққиёт банки билан икки томонлама ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Испаниянинг "СЕСЧЕ" экспорт сўғурта жамияти сўғурта таъминоти остида "Banco Santander Hispano" банки кредит линиясини ўзлаштириш бўйича самарали ишлар олиб борилди. Бу кредит линияси орқали "Агро-Интер-Соф" ҚҚнинг йодланган туз ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича лойиҳасини молиялаштириш давом эттирилди. Ҳозирда корхона тўлиқ ишга туширилди ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бошлаб юборилди.

Bank Gesellschaft Berlin (Германия) ва Raiffeisen Bank (Чехия) билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш бўйича ҳукумат кафолатисиз, кредит битимлари имзоланди. Bank Gesellschaft Berlin кредит линияси ҳисобидан "Беловитал" органик

ўғитларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Биоорганик" ҚҚ ва полиграфия маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи "Офсет Принт" МЧЖнинг лойиҳалари молиялаштирилди. Чехиянинг Raiffeisen Bank кредит линияси орқали Самарқанд шаҳрида жойлашган 1-сонли пиво заводини кенгайтириш ва қўшимча асбоб-ускуналар сотиб олиш мақсадида, янги лойиҳа банк томонидан молиялаштирилмоқда.

Банкнинг бугунги кун учун долзарб ҳисобланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида олиб бораётган ишлари ҳам кўзга кўринарли даражада. Хусусан, банк 2005 йил давомида мазкур субъектлар учун жами 34,4 млрд. сўм кредит ажратди. Шу жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасини кенгайтириш учун берилган кредитлар миқдори 1,7 млрд. сўмни ташкил этади. Жорий йилнинг 1-чорагида банк филиаллари томонидан кичик бизнес субъектларига 9,2 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди. Ушбу кредитларнинг 677,7 млн. сўми қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳисобига, хусусан, банкнинг Қорақалпоғистон, Фарғона, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм филиали мижозлари ҳисобига тўғри келади.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги корхоналарига «Асака»банкнинг лизинг амалиётлари департаменти томонидан курсатилаётган хизматлар ҳам диққатга сазовордир. Ўтган 2005 йил давомида қишлоқ хўжалиги техникаси олиш учун 123,2 млн. сўм миқдорда лизинг ажратилди. Мазкур лизинг орқали молиялаштирилган лойиҳалар доирасида Жиззах, Сирдарё ва Навоий вилоятларидаги фермер хўжаликлари фаолиятини яхшилаш мақсадида Тошкент трактор заводида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотиб олинди. Жорий йилнинг 1 чорагида банк лизинг лойиҳаларини амалга ошириш учун 100 млн. сўмга яқин маблағ ажратди.

Шунингдек, «Асака»банкнинг депозит бозоридаги фаолияти ҳам бир маромда олиб борилмоқда. Банк ўз мижозлари талабини қондириш мақсадида тез-тез миллий ва хорижий валютадаги муддатли омонатларини жорий қилиб боради. 2006 йилнинг 1 май ҳолатига аҳоли маблағларининг банк омонатларидаги қолдиғи 43049 млн. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич жорий йилнинг 1 январига нисбатан 7277,5 млн. сўмга кўпайишига эришилди. Банкнинг мавжуд жамғарма кассалари орқали қабул қилган коммунал хизматлар учун тўловлар миқдори 1 май ҳолатига 4109,7 млн. сўмни ташкил этиб, унинг 504,8 млн. сўми аҳолининг омонат ҳисобрақамларидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилди.

Бугунги кунда «Асака»банк томонидан олиб борилаётган нақд пулсиз ҳисобкитоблар тизимини йўлга қўйиш ишлари ҳам диққатга сазовордир. 1999 йилнинг май ойидан бошлаб ўз сўм қарточкаларини муомалага чиқаришни бошлаган банк ҳисобат даврига келиб 150611 та пластик қарточкаларни эмиссия қилишга эришди. Бу кўрсаткич 2005 йилнинг май ҳолатига нисбатан 81892 дон пластик қарточка кўп чиқарилганидан далолатдир.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида банк томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ойлик иш ҳақи тўловларини пластик қарточкалар орқали амалга ошириш ишлари давом эттирилмоқда ва айни пайтда улар сони 2293 тага етказилди. Хусусан, буларнинг 954 таси Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган ташкилот ҳамда корхона ходимларига тегишли сўм қарточкаларидир.

«Асака»банк мижозларининг мазкур тўлов воситасидан ҳеч бир муаммосиз мунтазам равишда фойдаланишлари учун жойларга ўзининг банккомат ҳамда терминалларини ўрнатган. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлса, ҳозирда банкнинг 25 та филиалида 22 та банккомат ҳамда 1601 та терминал жойлаштирилган. Ўрнатилган терминалларнинг 114 таси махсус коммунал тўловлар учун белгиланган бўлса, қолган 55 таси нақд пул бериш шохобчаларидадир. Бугунги кунда «Асака»банкнинг республика бўйича савдо терминаллари орқали пул айланмалари миқдори 8,945 млн. сўмни ташкил этади. Бу кўрсаткич пул айланмалари миқдори ўтган йилгига нисбатан 71 фоизга кўпайганлигидан далолатдир.

Бундан ташқари, банк ўз сўм қарточкалари билан бир қаторда MasterCard русумидаги халқаро пластик қарточкаларини ҳам муомалага чиқарган. Мазкур қарточкалар орқали операциялар банкнинг 10 та филиалида амалга оширилмоқда. Халқаро пластик қарточкалар орқали кўрсатилган хизматлар ўтган йили 651 тани ташкил этган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 970 тага етди.

Шунингдек, «Асака»банк пластик қарточка асосида янги хизмат турларини жорий этишни давом эттирмоқда. Уларнинг энг сўнггиси эса, кредит қарточкалари бўлиб, ундан мижоз истеъмол маҳсулотларини сотиб олишда фойдаланади. 2006 йил 1 май ҳолатига кўра банк филиаллари томонидан амалга оширилган микрокредит лимитининг умумий суммаси 729,7 млн. сўмни ташкил қилади, расмийлаштирилган пластик қарточкалар сони эса, 2,742 донадир.

Гулшан ЮСУПОВА.

2006 йил 9 майдан
22 майгача бўлган
даврдa АҚШ долларининг
миллий валюталарга
нисбатан курсидаги
ўзгаришлар*



1 АҚШ доллари	
Россия Федерацияси	
11.05.2006 й.да	- 27,04 росс. рубли
12.05.2006 й.да	- 27,08 росс. рубли
13.05.2006 й.да	- 26,94 росс. рубли
16.05.2006 й.да	- 26,92 росс. рубли
17.05.2006 й.да	- 27,02 росс. рубли
18.05.2006 й.да	- 26,96 росс. рубли
19.05.2006 й.да	- 27,07 росс. рубли
20.05.2006 й.да	- 27,00 росс. рубли
Украина	
10.05.2006 й.да	- 5,0500 гривна
11.05.2006 й.да	- 5,0500 гривна
12.05.2006 й.да	- 5,0500 гривна
15.05.2006 й.да	- 5,0500 гривна
17.05.2006 й.да	- 5,0500 гривна
Беларус Республикаси	
10.05.2006 й.да	- 2150,00 бел. рубли
11.05.2006 й.да	- 2147,00 бел. рубли
12.05.2006 й.да	- 2147,00 бел. рубли
15.05.2006 й.да	- 2146,00 бел. рубли
16.05.2006 й.да	- 2146,00 бел. рубли
17.05.2006 й.да	- 2146,00 бел. рубли
18.05.2006 й.да	- 2146,00 бел. рубли
19.05.2006 й.да	- 2145,00 бел. рубли
22.05.2006 й.да	- 2144,00 бел. рубли
Эстония	
10.05.2006 й.да	- 12,2325 крона
11.05.2006 й.да	- 12,3027 крона
12.05.2006 й.да	- 12,1338 крона
15.05.2006 й.да	- 12,0939 крона
16.05.2006 й.да	- 12,2105 крона
17.05.2006 й.да	- 12,1546 крона
18.05.2006 й.да	- 12,2582 крона
19.05.2006 й.да	- 12,2709 крона
22.05.2006 й.да	- 12,2644 крона
Латвия	
10.05.2006 й.да	- 0,5442 лат
11.05.2006 й.да	- 0,5474 лат
12.05.2006 й.да	- 0,5396 лат
15.05.2006 й.да	- 0,5383 лат
16.05.2006 й.да	- 0,5430 лат
17.05.2006 й.да	- 0,5405 лат
18.05.2006 й.да	- 0,5451 лат
19.05.2006 й.да	- 0,5456 лат
22.05.2006 й.да	- 0,5457 лат
Литва	
10.05.2006 й.да	- 2,6997 лит
11.05.2006 й.да	- 2,7150 лит
12.05.2006 й.да	- 2,6773 лит
15.05.2006 й.да	- 2,6713 лит
16.05.2006 й.да	- 2,6941 лит
17.05.2006 й.да	- 2,6820 лит
18.05.2006 й.да	- 2,7061 лит
19.05.2006 й.да	- 2,7078 лит
22.05.2006 й.да	- 2,7053 лит
Молдова	
10.05.2006 й.да	- 12,9600 лей
11.05.2006 й.да	- 12,9500 лей
12.05.2006 й.да	- 12,9800 лей
15.05.2006 й.да	- 12,9800 лей
16.05.2006 й.да	- 13,0100 лей
18.05.2006 й.да	- 13,0500 лей
19.05.2006 й.да	- 13,1300 лей
22.05.2006 й.да	- 13,1300 лей
Киргизистон Республикаси	
13.05.2006 й.да	- 40,7520 сом
20.05.2006 й.да	- 40,6567 сом
Тожикистон Республикаси	
11.05.2006 й.да	- 3,2147 сомоний
12.05.2006 й.да	- 3,2147 сомоний
19.05.2006 й.да	- 3,2176 сомоний
Козогистон Республикаси	
10.05.2006 й.да	- 122,71 тенге
11.05.2006 й.да	- 121,90 тенге
12.05.2006 й.да	- 121,51 тенге
15.05.2006 й.да	- 121,49 тенге
16.05.2006 й.да	- 122,04 тенге
17.05.2006 й.да	- 122,39 тенге
18.05.2006 й.да	- 121,91 тенге
19.05.2006 й.да	- 121,46 тенге
22.05.2006 й.да	- 121,54 тенге
Швейцария	
10.05.2006 й.да	- 1,2184 швейц. франки
11.05.2006 й.да	- 1,2266 швейц. франки
12.05.2006 й.да	- 1,2029 швейц. франки
15.05.2006 й.да	- 1,1973 швейц. франки
16.05.2006 й.да	- 1,2113 швейц. франки
17.05.2006 й.да	- 1,2049 швейц. франки
18.05.2006 й.да	- 1,2127 швейц. франки
19.05.2006 й.да	- 1,2210 швейц. франки
22.05.2006 й.да	- 1,2182 швейц. франки
Япония	
10.05.2006 й.да	- 110,50 япон иенаси
11.05.2006 й.да	- 111,28 япон иенаси
12.05.2006 й.да	- 109,51 япон иенаси
15.05.2006 й.да	- 109,66 япон иенаси
16.05.2006 й.да	- 110,28 япон иенаси
17.05.2006 й.да	- 109,51 япон иенаси
18.05.2006 й.да	- 110,64 япон иенаси
19.05.2006 й.да	- 111,90 япон иенаси
22.05.2006 й.да	- 111,93 япон иенаси
1 Англия фунт стерлинги	
Буюк Британия	
10.05.2006 й.да	- 1,8642 АҚШ долл.
11.05.2006 й.да	- 1,8631 АҚШ долл.
12.05.2006 й.да	- 1,8930 АҚШ долл.
15.05.2006 й.да	- 1,8954 АҚШ долл.
16.05.2006 й.да	- 1,8812 АҚШ долл.
17.05.2006 й.да	- 1,8911 АҚШ долл.
18.05.2006 й.да	- 1,8841 АҚШ долл.
19.05.2006 й.да	- 1,8730 АҚШ долл.
22.05.2006 й.да	- 1,8732 АҚШ долл.
1 евро	
Евроминтақа	
10.05.2006 й.да	- 1,2788 АҚШ долл.
11.05.2006 й.да	- 1,2716 АҚШ долл.
12.05.2006 й.да	- 1,2894 АҚШ долл.
15.05.2006 й.да	- 1,2922 АҚШ долл.
16.05.2006 й.да	- 1,2812 АҚШ долл.
17.05.2006 й.да	- 1,2871 АҚШ долл.
18.05.2006 й.да	- 1,2757 АҚШ долл.
19.05.2006 й.да	- 1,2749 АҚШ долл.
22.05.2006 й.да	- 1,2746 АҚШ долл.

* Долларнинг мамлакатлар миллий валюталарига нисбатан курси марказий (миллий) банкларнинг расмий хабарлари ва «REUTERS» тизими маълумотлари асосида берилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
Қ А Р О Р И

**«ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС
СУБЪЕКТЛАРИГА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАР ВА
ТАДБИРКОРБАНК КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ ҲИСОБИДАН
МИКРОКРЕДИТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАКИДА»**

**(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
2006 йил 21 февралда 1548-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)**

2006 йил 3 мартдан кучга киради

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сонли «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2003 йил 23 декабрдаги ПФ-3367-сонли «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинаётган «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом» тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

3. Мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб, қуйидаги қарорлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлигининг «Тижорат банклари томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низом» (янги таҳрири)ни (рўйхат рақами 1074, 2001 йил 3 октябр, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 19-сон, 2001 йил, октябр) тасдиқлаш тўғрисидаги 2001 йил 14 сентябрдаги 203-В, 108 -сонли қарор;

«Тижорат банклари томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низом» (янги таҳрирда)га ўзгартиришларни тасдиқлаш тўғрисидаги (рўйхат рақами 1074-1, 2003 йил 25 сентябр, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 17-18-сон, 2003 йил сентябр) 2003 йил 12 сентябрдаги 203-В-1, 108-сонли қарор;

«Тижорат банклари томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низом»га қўшимча ва ўзгартиришларни тасдиқлаш тўғрисидаги (рўйхат

рақами 1074-2, 2004 йил 7 апрел, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 14-сон, 2004 йил апрел, 175-модда) 2004 йил 24 январдаги 203-В-2, 24-сонли қарор;

«Тижорат банклари томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармаларининг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом»га ўзгартиришни тасдиқлаш тўғрисидаги (рўйхат рақами 1074-3, 2004 йил 13 декабр, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 50-сон, 2004 йил, декабр 503-модда) 2004 йил 29 ноябрдаги 203-В-3, 128 -сонли қарор.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раиси**

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
31 декабр 2005 й.
273-Б-сон

**Ўзбекистон Республикаси
Молия вазири**

Р.АЗИМОВ

Тошкент ш.,
31 декабр 2005 й.
111-сон

Келишилган:

**Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

О. ОБИДОВ

Тошкент ш.
31 декабр 2005 й.

**Ўзбекистон Республикаси
Монополиядан чиқариш, рақобат ва
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
Давлат қўмитаси раиси**

Г. САИДОВА

Тошкент ш.
31 декабр 2005 й.

**Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси раиси в.в.б.**

Н. ҚОСИМОВ

Тошкент ш.
31 декабр 2005 й.

**Ўзбекистон фермер
хўжаликлари уюшмаси
раиси**

С. ҚОБИЛОВ

Тошкент ш.
31 декабр 2005 й.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви
ва Молия вазирлиги томонидан
2005 йил 31 декабрдаги 273-В,
111-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС
СУБЪЕКТЛАРИГА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАР ВА
ТАДБИРКОРБАНК КРЕДИТ ЛИНИЯЛАРИ ҲИСОБИДАН
МИКРОКРЕДИТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сонли «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2003 йил 23 декабрдаги ПФ-3367-сонли «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тushunchалар қўлланилади:

микрофирма - банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони ишлаб чиқариш тармоқларида йигирма кишидан; хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида ўн кишидан; улгуржи ва чакана ҳамда савдо умумий овқатланиш тармоқларида беш кишидан ошмайдиган корхона;

кичик корхона - банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони:

енгил ва озиқ-овқат саноатида, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебел саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатида юз кишидан;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида эллик кишидан; фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида йигирма беш кишидан ошмайдиган корхона;

деҳқон хўжалиги - оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдирилдиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирадиган ва реализация қиладиган, юридик шахсни ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда фаолият юритадиган оилавий майда товар хўжалиги;

фермер хўжалиги - юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект;

бюджетдан ташқари жамғармалар - Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси, Деҳқон ва фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда собиқ «Бизнес Фонд»га қарашли кредит линияларини АТ «Тадбиркорбанк»ка қайтарилиши натижасида шаклландиган АТ «Тадбиркорбанк» (қуйида Тадбиркорбанк) имтиёзли кредит ресурслари;

бюджетдан ташқари жамғарма кредит линияси — бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда Тадбиркорбанк томонидан кичик бизнес субъектларини мақсадли асосда кредитлаш учун тижорат банкларига, уларнинг балансида унинг суммасини акс эттирган ҳолда ажратилдиган маблағлар.

2. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгарган тақдирда бюджетдан ташқари жамғармалар, шу жумладан Тадбиркорбанкнинг кредит линияси учун ҳисобланадиган фоиз миқдори ҳамда кичик бизнес субъектларига берилган микрокредитлар ва лизинг хизмати учун ҳисобланадиган фоиз ставкалари ҳам мос равишда ўзгаради.

Мазкур талаб бюджетдан ташқари жамғармалар, шу жумладан Тадбиркорбанк билан тижорат банклари ўртасида тузиладиган кредит линияси очиш тўғрисидаги кредит шартномасида, шунингдек, тижорат банки ва кичик бизнес субъектлари ўртасида ушбу кредит линияси ҳисобидан кредит бериш ҳамда лизинг компаниялари ва кичик бизнес субъектлари ўртасида тузиладиган лизинг шартномасида белгилаб қўйилган бўлиши лозим.

3. Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар қуйидаги мақсадларга берилиши мумкин эмас:

илгари олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтаришга; тамаки ва алкогольли ичимликлар ишлаб чиқаришга; савдо-воситачи корхоналар айланма маблағларини шакллантиришга;

савдо объектларини қуришни молиялашга, аҳолига ҳар хил ўйинлар кўринишидаги хизматларни кўрсатиш ва улар учун ускуналар сотиб олишга, қимор ўйинларини ташкил этишга;

ишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлатилмайдиган шахсий мулкни сотиб олишга;

маъмурий харажатларни тўлашга, шу жумладан, хизмат автомобиллари таъминотига;

идора учун мебел сотиб олишга, уяли телефон, пейжер сотиб олишга, алоқа хизматлари учун тўловга.

II. Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларга дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга микрокредитлар бериш ва қайтарилишининг шартлари

4. Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга микрокредитлар собиқ «Бизнес-Фонд»га тегишли кредит линиялари маблағларини Тадбиркорбанка қайтарилиши натижасида шаклландиган имтиёзли кредит ресурслари ҳамда Деҳқон ва фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилади.

5. Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга микрокредитлар фақат янгидан очилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган кундан 6 ойдан ошмаган давр мобайнида кредит олиш учун тегишли хизмат кўрсатувчи банкка буюртма берган юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжалиklари, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиklarининг фаолиятини бошлаш учун айланма маблағларни шакллантиришга, инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқишга, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун берилади.

а. Ушбу микрокредитларни олишда ходимларининг 50 фоизидан ортиғини ногиронлар, шу жумладан Кўзи ожизлар жамияти аъзолари ташкил этган кичик бизнес субъектлари устуворликка эга бўладилар.

б. Хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар устав капитали шаклландиган кейин ташкил этилишлари муносабати билан уларга ушбу микрокредитлар берилмайди.

6. Дастлаб (бошланғич) сармояни шакллантиришга микрокредитлар юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатётган деҳқон хўжаликлари ва микрофирмаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 150 бараваригача миқдорда ҳамда кичик корхоналар ва фермер хўжаликларига энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваригача бўлган миқдорда берилади.

7. Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз миқдори Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисмини ташкил этади.

8. Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитлар қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқсиз 3 йилгача бўлган муддатга берилади.

Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун берилган микрокредитлар бўйича фоизлар ушбу кредитлар берилган кундан бошлаб ҳисобланади ва 12 ой муддат ўтгач ундирилади.

Мазкур микрокредитлар учун ҳисобланган фоизлар дастлабки 12 ой давомида тижорат банклари даромад (фойда) солиғи ҳисоблаш базасига киритилмайди.

9. Тадбиркорбанк кредит линияси маблағлари ҳисобидан Тадбиркорбанкнинг ўз мижозларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга берилган кредитлар учун ҳисобланган фоизлар банкнинг ихтиёрида қолдирилади ва унинг балансида ўрнатилган тартибда акс эттирилади.

10. Кичик бизнес субъектлари томонидан дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга микрокредитлар беришни сўраб уларга хизмат кўрсатувчи банкларга мазкур Низомнинг 60-бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилади.

III. Акциядорлик-тижорат Тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобидан лизинг компанияларига лизингни амалга ошириш учун кредит линиялари очиш тартиби

11. Тижорат банклари томонидан собиқ «Бизнес-Фонд»га тегишли кредит линиялари маблағларини Тадбиркорбанкка қайтарилиши натижасида шаклландиган имтиёзли кредит ресурсларининг бир қисми кичик бизнес субъектларига имтиёзли лизинг хизматлари кўрсатиш мақсадларида фойдаланиш учун лизинг компанияларига кредит линияларини очишга йўналтирилади.

12. Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган кичик бизнес субъектларига имтиёзли лизинг хизмати кўрсатилади. Бунда лизинг фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдорда белгиланади, унинг 1/2 қисми Тадбиркорбанк маржасини ташкил этади.

13. Лизинг компаниялари Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатётган кичик бизнес субъектларига фақат саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги соҳасига хизмат кўрсатувчи муқобил машина-трактор паркларига техника ва ускуналарни лизинг асосида етказиб бериш учун имтиёзли лизинг хизмати кўрсатишда фойдаланишлари мумкин. Бунда ходимларининг 50 фоизидан ортигини ногиронлар, шу жумладан, Кўзи ожизлар жамияти аъзолари ташкил этувчи кичик бизнес субъектлари лизинг хизматини олишда устуворликка эга бўладилар.

14. Кредит линияларини очиш учун Тадбиркорбанк билан лизинг компанияси ўртасида кредит шартномаси тузилади. Кредит шартномасида очиладиган кредит линиясига хизмат кўрсатишнинг асосий шартлари, имтиёзли фоиз ставкаси миқдори, лизинг компанияси маржаси, Тадбиркорбанк билан лизинг компанияси ўртасидаги ўзаро мажбуриятлар белгиланади.

15. Тадбиркорбанк бир ёки бир нечта лизинг компанияси билан кредит линиясини очиш тўғрисида шартнома тузиш ҳуқуқига эга.

16. Тадбиркорбанк билан лизинг компанияси ўртасида тузиладиган кредит шартномасида қуйидаги шартлар белгиланиши лозим:

кредит линияси суммаси;

ажратилаётган кредит линияси ҳисобига лизинг операцияларини амалга оширишга маблағлар ажратишнинг чораклар ва вилоятлар бўйича тақсимоли;

лизинг компанияси маржаси чегириб ташланган ҳолдаги имтиёзли фоиз ставкаси;

кредит линияси маблағларини лизинг компанияси томонидан мақсадли ишлатилиши устидан мониторингни амалга ошириш тартиби.

17. Тадбиркорбанк томонидан лизинг компанияларига кредит линияси очиш учун тақдим этилган маблағларининг ҳисоби кредит линияси муддатига мос равишда очиладиган 15401 - «Банк бўлмаган молиявий муассасаларга бериладиган узоқ муддатли кредитлар» ҳисобварағида юритилади.

18. Тадбиркорбанк томонидан лизинг компанияларига кичик бизнес субъектларига лизинг хизмати кўрсатиш мақсадида очилган кредит линияларидаги маблағлар ҳисоби лизинг компанияларининг балансида қонунчиликда белгиланган тартибда юритилади.

19. Лизинг хизмати кўрсатиш учун очилган кредит линиялари маблағлари учун фоизлар тўлови кредит линиясига маблағлар ўтказиб берилган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобланади ва унинг тўлови ҳар ойда амалга оширилади.

20. Лизинг компаниялари Тадбиркорбанк кредит линияси маблағларининг кредит шартномасида белгиланган муддатларда ишлатилмаган қисмига кредит шартномаси шартларига мувофиқ Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкаси миқдорида фоиз тўлайдилар.

21. Ушбу Низомнинг 13-бандида кўрсатилган мақсадлардан ташқари бошқа мақсадлар учун лизинг хизмати кўрсатилиши кредит линияси маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш деб баҳоланади ва у Тадбиркорбанк ва лизинг компанияси ўртасидаги кредит линияси очиш шартномасида белгиланган чораларни кўриш учун асос ҳисобланади.

22. Тадбиркорбанк билан лизинг компаниялари ўртасида кейинги кредит линиялари очилганда янги кредит линияларининг суммалари кўрсатилган ҳолда қўшимча кредит шартномаси расмийлаштирилади.

23. Кредит линиясининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин лизинг компанияси Тадбиркорбанкка кредит линияси маблағларини, тўланмаган фоизлар қолдиғини қўшиб ҳисоблаган ҳолда, лизинг олувчи томонидан лизинг тўловларини ҳақиқатда қайтарилишидан қатъи назар, кредит шартномасида белгиланган муддатларда қайтариб бериши шарт.

24. Лизинг компаниялари Тадбиркорбанк кредит линияларини ўзлаштиришнинг аҳволи тўғрисида ҳар чоракда Тадбиркорбанкка, лизинг хизмати кўрсатилган кичик бизнес субъектлари рўйхатини илова қилган ҳолда ахборот тақдим этадилар. Ушбу ахборотлар маълумотлари бўйича ҳар чоракда лизинг компанияси билан Тадбиркорбанк ўртасида маблағларни ишлатишни солиштириш далолатномалари тузилади.

IV. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш тартиби

25. Оилавий тадбиркорлик жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошириладиган биргаликдаги фаолияти бўлиб, эр-хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган умумий мол-мулк негизида амалга оширилади. Оилавий тадбиркорлик эр-хотиннинг ва уларга кўмаклашадиган оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади.

26. Оилавий тадбиркорлик субъекти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эр-хотиндан қайсисининг номига рўйхатга олинган бўлса, у оилавий тадбиркорлик субъекти номидан ишни олиб боради.

27. Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатига олиш вақтида бериладиган гувоҳномада якка тартибдаги тадбиркорлик оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширилиши кўрсатилади. Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатига олинганлиги ҳақидаги Гувоҳномада тадбиркорлик фаолияти оилавий тадбиркорлик шаклида юритилиши тўғрисида ёзув бўлмаган ҳолларда, оилавий тадбиркорлик субъекти бошлиғи рўйхатга олувчи органга ушбу гувоҳноманинг «Изоҳлар» графасига бу ҳақда белги қўйиш учун мурожаат қилиши мумкин. Ушбу белгини қўйиш ариза асосида амалга оширилади.

28. Микрокредит олиш учун аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож куйидаги қатламлари устуворликка эга бўладилар:

кам таъминланган оилалар;

таркибида ногиронлар, шу жумладан, Кўзи ожизлар жамияти аъзолари, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар билан оғриган шахслар бўлган оилалар;

таркибида икки ва ундан ортиқ иш билан банд бўлмаган аъзолари мавжуд оилалар;

боқувчисини йўқотган оилалар.

29. Оилавий тадбиркорлик субъектларини мазкур Низомнинг 28-бандида кўрсатилган оилаларга киритиш фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан оилаларни кўздан кечириш натижаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади ва микрокредит олиш учун тижорат банкига тақдим қилиш учун белгиланган тартибда маълумотнома берилади.

30. Оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар тижорат банклари томонидан Бандлик жамғармаси кредит линияси ҳисобидан берилади. Тижорат банкларида кредит линияси очиш учун банк ва Бандлик жамғармаси ўртасида Бош келишув тузилади, унда ўзаро мажбуриятлар ва очилаётган кредит линиясига хизмат кўрсатишнинг асосий шартлари, оилавий тадбиркорлик субъектларининг кредитланаётган лойиҳаларига талаблар белгиланади.

31. Бандлик жамғармаси томонидан тижорат банкларида кредит линияларини очиш, кредит ресурсларидан фойдаланганлик учун фоизлар ҳисоблаш ва тўлаш, кредит ресурсларини қайтариш ва уларнинг ўзаро жавобгарликлари ушбу Низомнинг VI-VII бўлимларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда Бандлик жамғармаси томонидан оилавий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун ажратилган кредит ресурслари Бандлик жамғармаси кредит ресурслари умумий миқдорининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

32. Оилавий тадбиркорлик субъектларига бериладиган микрокредитлар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 150 бараваригача бўлган миқдорини ташкил этади ва улар 2 йилгача муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқсиз берилади.

33. Оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз миқдори Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисмини ташкил этади.

34. Микрокредитларни қайтариш, 6 ойлик имтиёзли даврни кўзда тутган ҳолда, оилавий тадбиркорлик субъекти бошлиғи ва тижорат банки ўртасида тузиладиган кредит шартномасида белгиланган муддатларда амалга оширилади. Асосий қарзни қайтариш ва ҳисобланган фоизларни тўлаш кредит шартномасига илова қилинган жадвалга мувофиқ амалга оширилади.

35. Оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан уларга хизмат кўрсатувчи банкларга микрокредитлар беришни сўраб мазкур Низомнинг 59-бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилади.

V. Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва фаолиятини ривожлантириш мақсадларини учун микрокредитлар бериш тартиби

36. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва фаолиятини ривожлантириш мақсадлари учун микрокредитлар Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган кичик бизнес субъектларига берилиши мумкин. Бунда ходимларининг 50 фоизи ва ундан ортиғини ногиронлар, шу жумладан, Кўзи ожизлар жамияти аъзолари ташкил этган кичик бизнес субъектлари, ушбу кредит линиялари ҳисобидан микрокредит олишда устуворликка эга бўладилар.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредитлар кичик бизнес субъектларига уларнинг намунавий ёки яқка тартибда ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳаларига ҳамда товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ бўлган харажатларини молиялашга берилади.

37. Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линияла-

ри ҳисобидан юридик шахс мақомига эга бўлмаган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларига 5000 АҚШ доллари эквивалентидан ҳамда юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига 10000 АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлган миқдорда кредитлар берилишига йўл қўйилмайди.

38. Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва фаолиятини ривожлантириш мақсадлари учун кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш банк маржаси кўшиб ҳисобланадиган имтиёзли фоиз ставкаси асосида амалга оширилади. Ушбу микрокредитларга доир имтиёзли фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасига нисбатан қатъий фоизларда белгиланади.

39. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан бериладиган ушбу микрокредитлар учун имтиёзли фоиз ставкаси кредитланаётган инвестиция лойиҳаларининг йўналишидан келиб чиққан ҳолда, куйидаги миқдорларда белгиланади:

деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, қишлоқ хўжалиғи техникасини сотиб олиш, фермерлик иншоотларини қуриш, чорвачилик, паррандачиликни ривожлантириш учун микрокредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/3 қисми миқдориди;

бевосита ишлаб чиқариш соҳаси, яъни маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хом ашё ва материалларни тубдан қайта ишлаш, хунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ва қурилиш мақсадлари учун микрокредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 40 фоизи миқдориди;

аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, туризм соҳасини ривожлантириш мақсадлари учун микрокредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 45 фоизи миқдориди.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан берилаётган ушбу микрокредитлар бўйича банк маржаси имтиёзли фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдориди белгиланади. Бунда банк маржаси ўрнатилган имтиёзли фоиз ставкалари миқдорининг ошишига олиб келмайди.

40. Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари томонидан микрокредитдан фойдаланганлик учун фоизлар, имтиёзли давр белгиланган микрокредитларни истисно қилган ҳолда, ушбу кредит линиялари очилган кундан бошлаб ҳисобланади ва ундирилади.

Имтиёзли давр ўрнатилиб берилган микрокредитлар бўйича фоизлар улар берилган кундан бошлаб ҳисобланади ва имтиёзли давр туганидан кейин ундирилади.

41. Деҳқон ва фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришини ташкил этишга бериладиган микрокредитлар, қоида тариқасида, 2 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан бериладиган бошқа барча микрокредитлар 3 йилгача бўлган муддатга берилади.

42. Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг қайтариш муддатини узайтиришга рухсат берилмайди.

43. Бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан очилган кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш ва улар бўйича имтиёзли давр белгилаш шартлари бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган низомларида белгилаб қўйилган қоидалардан келиб чиққан ҳолда, тижорат банки ва бюджетдан ташқари жамғарма ўртасида тузиладиган Бош келишувда белгилаб олинади.

44. Кичик бизнес субъектлари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан ўз ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва фаолиятини ривожлантириш мақсадлари учун микрокредитлар беришни сўраб, уларнинг ташкилий ҳуқуқий шаклидан келиб чиққан ҳолда, мазкур Низомнинг 59 ва 60-бандларида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилади.

(Давоми бор).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲИСОБВАРАҚЛАР РЕЖАСИ (янги таҳрирда)

(Давоми. Боши 5—8, 11, 14, 16—20-сонларда).

Ҳисобварақнинг дебетида сўмнинг SDRга нисбатан қадри тушиши натижасида Ўзбекистоннинг ХВФ олдидаги ошган мажбуриятлари бўйича ХВФ томонидан белгиланган муддат давомида унинг 21102, 21106 ёки 21108-ҳисобварақларига ўтказиб берилган маблағлар суммаси ҳамда сўмнинг SDRга нисбатан қадри ошиши натижасида Ўзбекистоннинг ХВФ олдидаги мажбуриятларнинг камайиш қиймати акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб шахсий ҳисобварақда юритилади.

21196-Бошқа Халқаро молиявий муассасаларнинг маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: ушбу ҳисобварақда бошқа Халқаро молиявий муассасаларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги сўмдаги маблағларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида бошқа Халқаро молиявий муассасалардан келиб тушган депозит маблағларининг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида бошқа Халқаро молиявий муассасалар томонидан ушбу ҳисобварақдан ҳисобдан чиқарилган маблағларнинг суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб Халқаро молиявий муассасалар алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

21300 МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ҲИСОБ-КИТОБ МАРКАЗИДАГИ РЕЗИДЕНТ БАНКЛАРНИНГ ВАКИЛЛИК ҲИСОБВАРАҚЛАРИ

21302-Резидент банкларнинг вакиллик ҳисобварағи - Востро

Ҳисобварақнинг таърифи: резидент банкларнинг банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ЎзР МБига жойлаштирган бўш пул маблағларининг ҳисоби олиб борилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банк ва унинг мижозлари номига келиб тушган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида банк мажбуриятлари ва мижозларнинг топшириқлари бўйича ҳисобдан чиқарилган маблағлар акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

21304- Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи - Востро

Ҳисобварақларнинг таърифи: банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ҳисоб-китоб Марказидаги бошқа банклар ва ХККМининг вакиллик ҳисобварағидаги маблағларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақларнинг кредитида бошқа банклар ва ҳисоб-китоб касса марказининг вакиллик ҳисобварағига келиб тушган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақларнинг дебетида бошқа банклар ва ҳисоб-китоб касса марказининг мажбуриятлари ва мижозларнинг топшириқлари бўйича вакиллик ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб бошқа банклар ва Ҳисоб-китоб ва касса марказлари алоҳида шахсий ҳисобварақларда

юритилади.

21306- Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи - Ностро, овердрафт

Ҳисобварақнинг таърифи: Ҳисоб-китоб касса марказининг «11005- Ҳисоб-китоб касса маркази (ХККМ) нинг вакиллик ҳисобварағи - Ностро» актив ҳисобварағи бўйича ўзаро келишувга асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рухсат берилган овердрафт суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг кредитида Ҳисоб-китоб касса марказига берилган овердрафт суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида Ҳисоб-китоб касса маркази томонидан қайтарилган овердрафт суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб шахсий ҳисобварақда юритилади.

21307- Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар

Ҳисобварақнинг таърифи: резидент банкларнинг Марказий банкка нақд пул олиш учун ўтказилган маблағлари ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг кредитида Марказий банкка нақд пул олиш учун ўтказилган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида Марказий банкдан берилган нақд пуллар резидент банкка бориб тушгандан сўнг, ҳисобдан чиқарилган қолдиқ сумма ва/ёки қайтарилган маблағлар акс эттирилади.

Таҳлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

21308- Резидент банклардаги вакиллик ҳисобварағи - Ностро, овердрафт

Ҳисобварақнинг таърифи: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «10501- Резидент банклардаги вакиллик ҳисобварағи -Ностро» актив ҳисобварағи бўйича ўзаро келишувга асосан бошқа банклар томонидан рухсат берилган овердрафт суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг кредитида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка берилган овердрафт суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қайтарилган овердрафт суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб шахсий ҳисобварақда юритилади.

21310-Резидент банкларнинг бошқа депозитлари

Ҳисобварақнинг таърифи: резидент банкларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очган депозит ҳисобварақларидаги маблағлари ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредити бўйича резидент банкларнинг депозит ҳисобварағига кирим қилинган маблағларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебети бўйича резидент банкларга қайтарилган ёки бошқа баланс ҳисобварағига ўтказилган маблағларнинг суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб резидент банкларнинг депозитлар маблағлари алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

21312-Резидент банкларнинг мажбурий захира ҳисобварағи

Ҳисобварақнинг таърифи: ушбу ҳисобварақда банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира фондига ўтказилган маблағларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банклар томонидан мажбурий захира фондига ўтказилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида банклар томонидан тақдим этилган ҳисоб-китобга асосан мажбурий захира фондидан банкларга қайтарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб банкларнинг мажбурий захира маблағлари алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

21314- Резидент банклари томонидан топширилган нақд пул учун тўланиши лозим бўлган маблағлар

Ҳисобварақнинг таърифи: резидент банклар томонидан Марказий банкка топширилган нақд пуллар учун ўтказилиши лозим бўлган маблағлари ҳисобга олинади.

Ҳисобварақнинг кредитида Резидент банклар томонидан Марказий банкка топширилган нақд пуллар учун ўтказилиши лозим бўлган маблағлари суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида резидент банкларнинг топширилган нақд пуллари учун Марказий банк томонидан ўтказилган, ҳисобдан чиқарилган маблағлар акс эттирилади.

Тахлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

21500 ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА ДЕПОЗИТЛАР

21502- Ҳукуматнинг бюджетдан ташқари маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: Ҳукуматнинг бюджетдан ташқари маблағларининг ҳисоби юритилади. Ушбу ҳисобварақ фақат Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМида очилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Ҳукуматнинг бюджетдан ташқари маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида Ҳукуматнинг топширигига кўра белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

21504- Маҳаллий бюджет қарамоғидаги муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: маҳаллий бюджет қарамоғидаги муассасаларнинг қонунчилик асосида ишлаб топган бюджетдан ташқари маблағларининг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида маҳаллий бюджет қарамоғидаги муассасалар ҳисобига келиб тушган бюджетдан ташқари маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида маҳаллий бюджет қарамоғидаги муассасаларнинг топширигига кўра ҳамда бошқа қонунда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

21506- Республика бюджети қарамоғидаги муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: Республика бюджети қарамоғидаги муассасаларнинг қонунчилик асосида ишлаб топган бюджетдан ташқари маблағларининг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида Республика бюджети қарамоғидаги муассасалар ҳисобига келиб тушган бюджетдан ташқари маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида Республика бюджети қарамоғидаги муассасаларнинг топширигига кўра ҳамда бошқа қонунда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

21508- Банк бўлмаган молиявий институтларнинг талаб қилиб олингунча депозитлари

Ҳисобварақнинг таърифи: банк бўлмаган молиявий институтларнинг (Пенсия фонди, Бандлик хизмати фонди, Йўл фонди ва бошқа)нинг пул маблағлари ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида банк бўлмаган молиявий институтларнинг ҳисобига келиб тушган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида банк бўлмаган молиявий институтларнинг топширигига кўра ҳамда бошқа қонунда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

21510-Ҳукумат фондининг махсус талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи

Ҳисобварақнинг таърифи: ушбу баланс ҳисобварағида Давлат эҳтиёжи учун сотиб олинган пахта, ғалла ва гуруч-шоли билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш фондининг маблағлари ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида фондга унинг Низомида кўзда тутилган манбалардан келиб тушган суммалар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида харид қилинган пахта, ғалла ва гуруч-шоли учун, Марказий банк томонидан берилган кредитни қайтариш ва фонднинг Низомида кўзда тутилган бошқа мақсадлар учун ўтказиб берилган суммалар акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб пахта, ғалла ва гуруч-шоли бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

21512- Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари

Ҳисобварақнинг таърифи: сафарбарлик чақируви резерви маблағларининг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида сафарбарлик чақируви резервига келиб тушган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида сафарбарлик чақируви резервидаги маблағлар ҳисобидан амалга оширилган тўловлар акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақда юритилади.

21596-Хўжалик ҳисобидаги муассасаларнинг талаб қилиб олингунча депозитлари

Ҳисобварақнинг таърифи: юқорида таърифланган ҳисобварақларга мос тушмайдиган, хўжалик ҳисобидаги муассасаларга очилган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг кредитида мижозларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларига кирим қилинган маблағлар акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг дебетида мижозларнинг топширигига ҳамда қонунда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган маблағлар акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб шахсий ҳисобварақларда юритилади.



21700 ЖАМҒАРМА ДЕПОЗИТЛАР

21702-Ҳукуматнинг бюджетдан ташқари жамғарма депозитлари

Ҳисобварақнинг таърифи: Ҳукуматнинг бюджетдан ташқари жамғарма депозит ҳисобварақларидаги маблағлари ҳисоби юритилади ва ҳисобварақлардаги маблағлар бўйича тузилган шартномада белгиланган миқдорда фоиз ҳисобланади. Ушбу ҳисобварақ фақат Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМида очилади.

Ҳисобварақнинг кредитида жамғарма депозитга қўйилган маблағларнинг суммаси акс эттирилади.

(Давоми бор).



ҲАМ КЎРГАЗМА, ҲАМ КОНФЕРЕНЦИЯ

Шу йил 16-18 май кунлари Тошкентда "Нефт ва газ — Ўзбекистон" (OGU-2006) 10-юбилей кўргазмаси ва конференцияси бўлиб ўтди. У 10 йил давомида Ўзбекистон ҳамда МДХ мамлакатлари нефт ва газ тармогининг етакчи йиллик анжумани сифатида кенг эътирофга эга бўлди.

OGU кўргазмаси йил сайин кўпроқ бозор иштирокчиларини ўзига жалб этмоқда. Улар стратегик режаларини муҳокама қилиш ва шартномалар тузиш учун Тошкент шаҳрида ҳамкасблари билан учрашадилар.

«Нефт ва газ — Ўзбекистон» кўргазмасига асос солинганидан бери унда дунёнинг 35 мамлакатидан келган қарийб 700 та компания иштирок этди. Уни Ўзбекистондан ва қўшни давлатлардан 50 мингдан ортиқ одам кўрди. Мутахассислар фикрича, мамлакатимизнинг нефтегаз соҳасидаги асосий тематик воқеа бўлмиш бу кўргазма маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг ютуқларини намойиш қилади-ган майдонгина эмас, шу билан бирга чет эл компаниялари билан амалий алоқалар ўрнатиш, Ўзбекистон иқтисодиётининг нефт ва газ секторида ўзаро манфаатли асосда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш воситаси ҳам бўлиб қолди.

«Нефт ва газ» кўргазмаси ўз маҳсулотини Ўзбекистон бозорига олиб киришни режалаштираётган ёки мамлакатимизнинг нефт ва газ тармоғига ўз маблагларини инвестициялашга тайёр бўлган хориж компаниялари учун старт майдончаси ҳамдир. Хусусан, бу йил 16 мамлакатнинг, шу жумладан Австрия, АҚШ, Германия, Канада, Малайзия, Россия, Туркия, Украина, Франция, Хитой, Чехия, Швейцария, Швеция, Эрон, Ўзбекистон, Қозоғистоннинг 120 та компанияси ўз экспозицияси билан қатнашди. Ташкилотчилар конференцияда 600 га яқин расмий делегат, 40 нафар спикер қатнашини ва 10 мингдан ортиқ одам кўргазмага келишини кутишмоқда.

Россия компанияларининг иштирокчини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Иштирокчилар умумий сонининг 60 фоизи улар хиссасига тўғри келади. Бу ўтган йилги «Нефт ва газ — Ўзбекистон» кўргазмасидан 15 фоиз кўп. Иштирокчиларнинг 10 фоизини Германия компаниялари, 10 фоизини Украина компаниялари, қолган 20 фоизини бошқа яқин ва узоқ хориж мамлакатларининг компаниялари ташкил этади.

Стендларда нефт ва газ қазиб чиқаришни интенсифлаш ва чуқур қайта

ишлашнинг замонавий технологиясига катта ўрин берилган. Соҳанинг етакчи компаниялари нефт ва газни ташиш технологияси, нефт ва газ конларини қидириб топиш ва очиш соҳасидаги, шунингдек Марказий Осиё минтақасидаги углеводород имкониятларини аниқлаш бўйича энг сўнгги ютуқларини намойиш қилмоқдалар.

OGU-2006 доирасида 17-18 майда «XXI аср Ипак йўли: Марказий Осиё мамлакатлари интеграциясида нефт ва газ секторининг роли» деган мавзуда халқаро конференция ташкил этилди. Бу йилги конференция дастурига Ўзбекистон ва чет эл нефтегаз соҳаси мутахассислари ва ҳукуматлар вакиллари-нинг, шунингдек, халқаро компаниялар раҳбарларининг чиқишлари киритилган. Икки кун давом этган конференция ишида тахминан 400 нафар делегат қатнашди.

Ташкилотчилар фикрича, Ўзбекистонда ўтказилган «Нефт ва газ» кўргазмаси ва конференцияси қўрилган натижаларни беради ва унинг иштирокчилари амалий алоқалар ўрнатиши ҳамда нефт ва газ соҳасида ўзаро манфаатли шартлар асосида янги ҳамкорликни йўлга қўйиши учун яхши замин бўлади.

Маълумотнома: «Ўзнефтегаз» Миллий холдинг компанияси маълумотларига кўра, республикада ҳар йили 60 млрд. куб м. газ, 7 млн. тонна суюқ углеводородлар қазиб чиқарилмоқда. Ўзбекистон табиий газ қазиб чиқариш бўйича дунёда 8-ўринда ва ёнилғи-энергетика ресурслари ишлаб чиқариш бўйича МДХда 5-ўринда туради.

Ҳозир 4 та йирик корхона: Фарғона ва Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи, Шўртан газкимё мажмуаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи нефт ва газ конденсатини қайта ишламоқда.

2003 йил ўрталарида «Қандим гуруҳи, Ховзак, Шоди конларини ўзлаштириш ҳамда Устюрт минтақасида геология-қидирув ишларини амалга ошириш» инвестициявий лойиҳаси бўйича маҳсулотни тақсимлаш тўғрисида Битим имзоланди. Битимни амалга ошириш муддати 35 йил бўлиб, капитал харажатлар ҳажми 1 млрд. АҚШ долларига тенг.

Галина ЗАРЕЦКАЯ.

БИЗНЕС ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ — ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДЕМАКДИР

Ахборот тизимлари хавфсизлиги халқаро стандарти бўлмиш ISO 17799 нинг мазмуни, стандарт қоидаларини бизнеснинг реал ахборот тизимига жорий этишнинг амалий жиҳатлари — ProData Business томонидан ташкил этилган семинарнинг асосий мавзуси бўлди. Тренинг иштирокчилари орасида республикадаги энг йирик компаниялар, тижорат банкларининг вакиллари бор эди. Россиянинг машҳур компанияси — «Digital Security» директори Илья Медвединский семинарда асосий маърузачи бўлди. У ахборот тизимлари соҳасида маслаҳат бериш, аудит ва хавфсизлик стандартини сертификатлаш билан шуғулланади.

1999 йилда Халқаро стандартлаштириш ташкилоти BS 7799 Британия стандартини асос қилиб олиб, ISO 17799 халқаро стандартини (биринчи, тавсия этувчи қисмини), 2005 йилда эса стандартнинг ISO 27001 деб янги ном олган сертификация қисмини ишлаб чиқди.

Ахборот хавфсизлиги (АХ) стандартларини жорий этишнинг авж палласи охириги 2-3 йилга тўғри келади. 2002 йилда бутун дунёда ISO 17799 сертификатларини олган компаниялар бор-йўғи 150 та бўлган бўлса, улар 2003 йилда — 300 та, 2004 йилда — 1000 та, 2005 йилда — 2000 тага етди ва ҳозирги вақтда 2500 тадан ошиб кетди. Мамлакатлар орасида ушбу кўрсаткич бўйича Япония (1000 тага яқин компания сертификат олган) ва Буюк Британия (350 тага яқин) етакчилик қилмоқда. Ҳозирги бозорнинг, шу жумладан фонд бозорининг талабларини, ахборот технологиялари ва тизимлари жўшқин ривожланиб ва жорий этиб борилаётганлигини ҳисобга олиб, тобора кўпроқ компаниялар ўз бизнесини ҳимоя қилиш ва АХ стандартига эга бўлиш зарурлигини англаб етмоқда.

Ҳамдўстлик мамлакатларида сўнгги йилларда йирик компанияларнинг АХ тизимларини ва тегишли халқаро стандартларни жорий этишга қизиқиш кучайиб бормоқда. Улар орасида, хусусан, акциялари NYSEда котировка қилинадиган Россия компаниялари, Молдова, Беларус ва Қозоғистон компаниялари, Ўзбекистоннинг Навоий кон-металлургия комбинати ва Олмалик кон-металлургия комбинати каби энг йирик компаниялари бор.

Илья Медвединский ўз маърузасида ахборот хавфсизлигини давлат томонидан бошқаришни муҳимлигини кўрсатиб ўтди. Давлат бизнес ҳимояланган бўлиши ҳақида ғам-хўрлик қилади, чунки шу тариқа у амалда давлат хавфсизлигини таъминлайди.

Яқинда қабул қилинган «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Сенат томонидан 2006 йил 24

февралда маъқулланган) давлатимиз ушбу масаладан манфаатдорлигининг далолати-дир. Қонуннинг 8 ва 9-моддаларида автоматлаштирилган банк тизимидаги техникавий воситаларни сертификатлаш зарурлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ахборотни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилади.

Ахборот хавфсизлиги бизнеснинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ва бунинг учун қулай шароит яратди. Шу сабабли компаниялар, айниқса йирик компаниялар, АХни таъминлаш борасида ўз сиёсатларига эга бўлиши керак. Бу сиёсат қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади:

- АХни, унинг таркибини белгилаш;
- бошқариш мақсадлари ҳақидаги низо; АХ мақсадлари ва тамойилларини қўллаб қувватлаш;
- хавфсизлик сиёсатини, унинг тузилиш тамойиллари ва бу соҳадаги стандартларни қисқача тушунтириш;
- сиёсатнинг ташкилот учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган талабларга мувофиқлиги (маҳаллий ва халқаро қонун ҳужжатларига мувофиқлик, персоналга хавфсизлик масалаларини ўқитиш, вируслар ва бошқа зарарли дастурларни аниқлаш ва йўқотиш ва ҳоказолар);

- раҳбарларнинг мансаб-вазифалари жумласига АХни таъминлаш учун жавобгарликни, шу жумладан, юз берган ҳодисалар ҳақида ҳисобот беришни киритиш;

- хавфсизлик сиёсати билан бирга ишлаб чиқишни керак бўлган ҳужжатларнинг батафсил рўйхати (низомлар, йўриқномалар). ISO 17799 хавфсизлик стандартларини амалиётга жорий этишнинг афзалликлари шундаки, фойдаланилаётган ахборот тизимлари янада ҳимояланган бўлиши ҳақида ғам-хўрлик қилади, чунки шу тариқа у амалда давлат хавфсизлигини таъминлайди.

Яқинда қабул қилинган «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Сенат томонидан 2006 йил 24

Лоза АБДУАЗИМОВА.

ЭНЕРГЕТИКА САНОАТИ БУГУНГИ КУНДА

Энергетика соҳасининг барқарор фаолият кўрсатиши ва истеъмолчиларнинг энергияга бўлган эҳтиёжини мунтазам ва сифатли қондириб борилиши мамлакат иқтисодий тараққиётининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Энергоресурсларга бўлган талабнинг тинмай ошиб бориши ва ёқилғи захирасининг чекланганлигини инобатга олсак, давлатимизнинг энергетик хавфсизлигини мустаҳкамлашда ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишни кучайтириш катта рол ўйнайди.

ГЭСларни қуриш лойиҳалари тайёрланади. Мисол учун, «Ўзбекэнерго» мутахассислари мавжуд имкониятларни ўрганиб чиқиб, Пскент дарёсида янги гидростанция барпо этиш лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Агар янги иншоот қуриш лойиҳаси амалга ошадиган бўлса, бу ГЭСнинг умумий қуввати 404 мегаваттга тенг бўлади ва 1 млрд. киловатт электрэнергия ишлаб чиқаради.

Таққослаш учун статистика маълумотларини келтирадиган бўлсак, айтиш керакки, Ўзбекистоннинг умумий гидроэлектрэнергия салоҳияти 88,5 млрд. киловаттга тенг, деб баҳоланади. Ҳозирги кундаги техник салоҳият эса, 27 млрд. ни ташкил қилади. Юртимиздаги мавжуд гидроэлектростанцияларда ҳозирда йилига 5,5 - 6 млрд. киловатт электрэнер-

гия ишлаб чиқарилмоқда. Бу мавжуд имкониятларнинг 20 фоизи ишлатилмоқда, демак-дир. Соҳанинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан кенгроқ ва самарали фойдаланиш мақсадида янги ГЭСлар қуриш, мавжудларини модернизациялаш ишлари амалга оширилмоқда. Тўпаланг ГЭСини барпо этиш лойиҳаси бу борадаги ишларнинг бир қисми саналади. Жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу иншоотнинг 2 та кичик агрегатини ишга тушириш режалаштирилган.

Бу борада хорижий давлатлар ва халқаро молиявий ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилинаётганини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигига қарашли «Ўзсувэнерго» уюшмаси бош директори ўринбосари Миробид Қосимов

сўзларига кўра, ҳозирда Осиё Тараққиёт банки кредити асосида олтига кичик ГЭС қуриш лойиҳалари ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига биноан Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликни ривожлантириш дастури асосида ХХР давлати кредитини жалб қилган ҳолда кичик ГЭСлар қуришнинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилди.

Энергетика саноати вакилларининг журналистлар билан учрашувида юртимизда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятлари хусусида ҳам сўз борди. Мутахассислар Ўзбекистонда Куёш энергиясидан муқобил энергия манбаси сифатида унумли фойдаланиш масаласи ҳам чуқур ўрганиб чиқилганини билдирдилар. «Юртимиз куёш нурига бой, - деб таъкидлади Равшан Ортиқов, - аммо ҳозирги кунда мавжуд бўлган куёш энергиясини электрэнергияга айлантириб бериш технологиялар ўзини иқтисодий жиҳатдан оқламайди. Келажакда иқтисодий самарадорлиги бўйича аъёнавий электростанциялар билан рақобатлаша оладиган янги технологиялар яратилгач, бу масала яна кўриб чиқилади. Чунки юртимизда шундай чекка тоғли худудлар борки, уларга электр линияларини тортиб бориш жуда қimmatга тушади. Ана шундай жойларда куёш энергиясидан фойдаланиш керак бўлади».

Шунингдек, суҳбат давомида электр энергияси ишлаб чиқарилиши ва унинг истеъмоли мавзуларига оид яна қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.



Алишер ДАВЛАТОВ.

Ушбу масала «Ўзсувэнерго» Иқтисослашган уюшмаси ва «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси вакиллари билан журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувининг бош мавзусига айланди.

«Ўзбекэнерго» ДАҚда ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва соҳада энергия тежамкорлигини кенг жорий қилиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди, деб таъкидлади компаниянинг энергетика ривожланиши истиқболлари ва янги техника ва технологияларни жорий қилиш бошқармаси бошлиғи Равшан Ортиқов. Хусусан, ишлаб чиқаришнинг энергияга бўлган талабини қисқартириш, замонавий, кам энергия талаб қилувчи технологияларни қўллаш ва муқобил ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш даражасини ошириш яқин келажакдаги устувор вазифалар қилиб белгиланди.

2006-2010 йилларда жойлардаги қувватларни модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш, истеъмолчиларни янги электрон ҳисоблагичлар билан таъминлаш ва бу ускуналарни электрэнергия сарфи назоратининг автоматлаштирилган тизимига бирлаштириш орқали энергоресурсларни сезиларли даражада тежаб қолиш кўзда тутилган.

Қолаверса, компания томонидан республиканинг оқар сувлар салоҳияти чуқур ўрганиб чиқилмоқда. Бу таҳлиллар натижасига кўра янги гидроэлектростанциялар қуриш имкониятларига оид чизма ишлаб чиқилади ва биринчи навбатда иқтисодий жиҳатдан энг мақбул бўлган



АГРАР ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимиз аграр соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги секторида ҳам ижобий иқтисодий натижаларга эришишнинг асосий негизи бўлиб қолмоқда.

Хозирги кунда фермер хўжаликлари ривожлантириш энг долзарб вазифа бўлиб, унинг самараси йилдан-йилга фермер хўжаликларининг сони ўсиб келаётганлигида кўриниб турибди. Айниқса, зарар кўриб ишлаётган хўжаликларнинг ўрнига фермер ҳамда деҳқон хўжаликларини ташкил қилиш, аграр секторда хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ташкил этилиши бунга яққол мисол бўлади. Вилоятимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Вилоят бўйича давлат рўйхатидан ўтган фермер хўжаликлари сони 2006 йил бошига келиб 20 мингтадан ошиб кетди. Фермерлар сафининг кенгайиши вилоятнинг Косон, Касби, Нишон каби туманларида яққол сезилиб турибди. Қашқадарё вилоятида 2005 йил деҳқончилик учун энг самарали йил келди, айниқса пахтачилик соҳасида юқори натижаларга эришилди. Вилоят бўйича 2005 йилда пахтанинг ҳосилдорлиги 31,5 ц/гани ташкил қилиб, рентабеллик даражаси 47%ни ташкил қилган. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини тақомиллаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини татбиқ этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини ҳамда уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашга қаратилган, шунингдек, қишлоқ хўжалигида мулкчилик шакллари ўзгартириш ва хўжалик юритиш-

нинг янги шаклида товар ишлаб чиқарувчиларнинг ихтисослашувини эътиборга олиш, хўжаликлар ўз меҳнати натижаларини, ўзларига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни ўз хоҳишига кўра тасарруф этишларини ҳар томонлама ҳимоя қилиниши ҳамда уларга хизмат кўрсатиш тизимини яхшилашга оид барча масалалар ечимини топмоқда. Келажакда фермер ва деҳқон хўжаликлари барқарор ривожланишининг асосий шартлари этиб қуйидагиларни белгилаш мумкин:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий шарт-шароитлари ва кафолатларини яратиш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни молиялаштиришнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган услуб ва шакллари танлаш;

- хўжаликларнинг моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш;

- хизмат кўрсатувчи корхоналарда ишловчи ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш.

Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири инвестицияларни жалб қилиш бўлиб, бундай инвестицияларнинг салмоғи 2005 йилда Қашқадарё вилоятида анча юқори бўлди.

Вилоятда аграр соҳада олиб борилган иқтисодий ислохотлар ер, сув, мулк, молия-кредит ва солиқ ислохотлари кўришида амалга оширилди.

Шундан ер ислохотида 2005 йилдан бошлаб барча қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилар ер участкаларидан фойдаланишнинг ижара шаклига ўтказилди, ер участкалари хўжалик юритувчи субъектларга туман ҳокимлари томонидан ижарага берилиши белгилаб қўйилди. Ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш тизими жорий этилди.

Сув ислохоти - вилоятда ирригация тизимларини маъмурий-худудий тамойилдан ҳавза тамойилига ўтказилди. Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш учун сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил этиш йўлга қўйилди. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида соҳада бозор тамойилларига ўтиш белгиланди.

Молия - кредит ва солиқ ислохоти - давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотларни етиштиришни молиялаштиришда имтиёзли кредитлаш тизимига ўтилди. Хусусан, вилоят бўйича фаолият юритаётган мавжуд 52 та мини-банк томонидан кўрсатилган хизмат ҳар бир фермер учун 900 минг сўмни ташкил этмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун ерларнинг сифати, балл-бонитетига боғлиқ солиқ тўлаш тизими ишлаб чиқилди.

Хулоса қилиб айтганда, Қашқадарё вилояти республикаимиз иқтисодиётида салмоқли ўринга эга эканлиги, бу ерда аграр соҳа қадимдан ривожланганлиги, жуда катта тажрибали йиғилганлиги, табиий ва меҳнат ресурсларининг қишлоқ хўжалигини ривожланиши учун ҳар томонлама қўлайлиги, ерларнинг унумдорлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратилаётганлиги иқтисодий ислохотларнинг самарали бўлишини таъминлайди. Келажакда эса вилоятнинг имкониятларидан фойдаланиб бундан юқори натижаларга эришини кутиб қоламиз.

**Ширин ФАЙЗИЕВА,
Қарши муҳандислик
иқтисодиёт институти.**

ФЕРМЕРЧИЛИК РИВОЖИ - ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 22-сонда).

Кредит қишлоқ хўжалиги корхонасига унинг асосий талаб қилиб олинган депозит ҳисобрақами очган ва унга хизмат кўрсатаётган банк томонидан берилди. Ушбу кредитларни иккиламчи талаб қилиб олинган депозит ҳисобрақами очилган банк томонидан берилишига рухсат берилмайд.

Ушбу йўриқнома Марказий банк томонидан бир неча йиллар ичида жойларда тижорат банклари ходимлари ҳамда деҳқон ва фермер хўжалиги вакиллари билан учрашиб семинар ва мулоқотлар ўтказишлари натижасида юзага келган бўлиб, олдинги йўриқномаларга нисбатан деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолият олиб боришларига кенгрок имкониятлар яратиб бермоқда, лекин шунга қарамай айрим муаммолари ҳам йўқ эмас, хусусан:

1. Йўриқнома бўйича фермер хўжаликлари олишлари мумкин бўлган минерал ўғитни кўрсатилган МТП хизматлари учун тўлашлари лозим бўлган қисмини "Ўзкимёсанот" корхоналарининг ва МТП корхоналарининг махсус ҳисобрақамларига 50 фоиздан бўлинган ҳолда алоҳида тўлов топшириқномалари асосида ва олинган ёқилги-мойлаш ресурсларининг тўлаши лозим бўлган қисмини "Ўзнефтегаз" корхоналарининг иккита махсус ҳисобрақамларига 30 ва 70 фоизи миқдорда қилиб алоҳида тўлов топшириқномалари асосида ўтказишлари лозим.

Агарда ҳар бир фермер хўжалиги бўлғуси галла ҳосили учун йилида 5 маротаба ва пахта ҳосили учун йилига 5 маротаба юқоридаги хизмат кўрсатувчи корхоналарга тўлов топшириқномаси орқали пул ўтказишни ҳисоблайдиган бўлса, ҳам пахта, ҳам галла етиштирадиган фермер хўжалиги фақат юқоридаги хизмат кўрсатувчи корхоналарга имтиёзли кредит ҳисобидан 60 донга тўлов топшириқномаси ёзиши керак бўлади. Бунда республикаимиздаги мавжуд бўлган 124 мингдан ортиқ фермер хўжаликларига кўпайтирадиган бўлса 7440 мингга тўлов топшириқномасини ташкил этар экан. Ушбу йўриқномага тегишли ўзгартириш киритиб, яъни фермер хўжаликларида тўловларни хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг бир махсус ҳисобрақамга ўтказадиган қилинса ва хизмат кўрсатувчи корхоналарга келиб тушган маблағларни юқорида кўрсатилган фоизлар асосида ўз вақтида ўтказилиб борилиши назоратини ўша хизмат кўрсатувчи корхонага хизмат кўрсатадиган тижорат банки бўлимига юклашимиз билан фермер хўжаликлари томонидан ёзишлари керак бўладиган тўлов топшириқномаларини 3720 мингтага камайтирилишига эга бўлар эдик. Бу билан тижорат банкларидан фермерларга хизмат кўрсатиш тезлашиши билан фермерларнинг банк хизмати тўғрисидаги эътирозлари камайишига эришилди.

2. Ушбу йўриқномага асосан тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосил бўйича тузилган контрактация шартномасининг 50 фоизгача қийматидаги сумма миқдорда кредит суммалари ажратилади. Лекин, жойларда фермерларга хизмат кўрсатувчи "Ўзнефтегаз", "Ўзэлектрэнергия" ва "Ўзкимёсанот" корхоналарининг бўлимлари фермерларга фонд асосида берилиши керак бўлган фойдаланган электр энергияси, минерал ўғит ва ёқилги-мойлаш ресурсларини 100 фоиз тўлов асосида бермоқдалар. Бундай ҳолат фермерларга тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредит нормаси етишмаслигига олиб келмоқда. Ўз навбатида фермерлар етиштирилаётган ҳудуддаги фермерлар тадбирларини ўтказишларига қийинчиликлар туғдирмоқда. Айниқса, чўл ҳудудларида фаолият олиб бораётган фермер хўжаликларига ажратилаётган имтиёзли кредитнинг электр энергияси ва ёқилги-мойлаш ресурсларига бўлган қисми озлик қилмоқда, сабаби бошқа ҳудуддаги фермерлардан фарқли равишда чўл ҳудудда жойлашган фермерларнинг экинларни сўғориш тизимлари электр энергияси ёки солярка ресурслари орқали ишлайдиган насослар орқали амалга оширилади.

Ушбу муаммоларнинг бартараф этилиши юртимизда фермерчилик ҳаракатининг янада авж олишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

**Юсуф РАҲИМОВ,
АТ "Тадбиркорбанк"
Навоий вилояти
"Кармана" бўлими
бошқарувчиси,
БМА тингловчиси.**

СОЛИҚЛАР РАҒБАТЛАНТИРИШИ КЕРАК

Юртбошимиз таъкидлаганидек, иқтисодиётимизда амалга ошириладиган барча устувор вазифалар, шу жумладан бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хусусий тармоқнинг жадал ривожланиши, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишлар кўламини кенгайтириш, банк ва молия тизимларидаги ислохотларни чуқурлаштириш, уй-жой-коммунал хўжалигини ислоҳ қилишнинг барчаси солиқ сиёсатини тақомиллаштириш билан бевосита боғланган. «Солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим.»¹

Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда, солиқ тизимини янада соддалаштириш, солиқларни унификация қилиш, солиқ юқини енгиллаштириш, солиқ бошқарувини тақомиллаштириш ва эркинлаштириш мақсадида, амалиётдаги солиқларни ўрганиш асосида қуйидаги таклифларни билдиримиз.

1. Юридик шахсларни солиққа тортиш соҳасида:

Даромад (фойда) солиғига тортиладиган база шаклланишини таҳлил қилиб шундай хулосага келдикки, ушбу жараён нисбатан мураккаб ҳисобланиб, хусусан баланс фойдаси билан солиққа тортиладиган фойда бир-биридан кескин фарқ қилади. Шу маънода баланс фойдасига қайтадан қўшилидиган харажатлар устида тўхталиб, қуйидаги таклифларни билдирмоқчимиз:

- Даромад (фойда) солиғи базасига тескари тартибда қўшилаётган харажатларни камайиштириш лозим. Жумладан, алоқа харажатлари, қурилиш ва лойиҳалардаги камчиликларни бартараф этиш харажатлари, шубҳали қарзлар бўйича захиралар қайтадан солиқ базасига, тадбиркорлик фаолиятини юритиш мақсадида, амалга оширилишини инobatга олиб тескари тартибда қўшмаслик керак деб ҳисоблаймиз.

- Экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармаларига, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига бадаллар бўйича харажатлар аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадини кўзлаган ҳолда амалга оширилишини инobatга олиб, уларни тескари тар-

тибда киритиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз.

- Вақт бўйича тафовутлар бандлари харажатларини назорат қилишнинг бошқа усулларида фойдаланиш мумкинлигини ҳисобга олиб, бу турдаги харажатларни фойда (даромад) солиғи базасига қайтадан қўшиб, ҳақиқий амалга оширилган қисмини базадан чегириш амалиётини қўлламаслик мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ҳолат солиқ базасини аниқлаш тартибини бироз енгиллаштириш ва солиқларни ҳисоблашнинг шаффофлаштиришга ҳисса қўшиши мумкин.

2. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш соҳасида:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида жисмоний шахслар даромадини назорат қилишни назарда тутувчи тизим жорий этиш белгиланган. Шунингдек олиб, ўрнатилган меъёрдан ортиқча берилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва ходимларга бериладиган бошқа рағбатлантирувчи турдаги харажатларини солиқ базасига киритмаслик лозим. Акс ҳолда бир даромад икки маротаба солиққа тортиш амалиётини яна кузатиш мумкин.

- Жисмоний шахсларнинг соғлиқни сақлаш ва таълим учун қилинадиган харажатларнинг бир қисмини тўланган даромад солиғи ҳисобидан қайтариб олиш имконини берувчи имтиёзни жорий этиш лозим. Чунончи, тўланган солиқлар фан, таълим, соғлиқни сақлаш, муҳофаа каби тармоқларни сақлаб туриш учун кўзланганлиги инobatга олинса, контракт асосида ўқийдиган, хусусий клиника хизматларидан фойдаланаётган фуқароларнинг харажатларини қоплаб бериш адолатли ҳисобланади. Бу борада Россия Федерациясининг тажрибасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Яъни РФ фуқаролари йилига соғлиқни сақлаш ва таълим учун қилинган 50 000 Россия рублигача (ЎЗР Марказий банкнинг 02.05.2006й. ҳолатидаги курси бўйича сўмдаги эквиваленти 2 237 минг сўм) бўлган миқдорда тўланган даромад солиғи ҳисобидан қайтариб олиш имконига эга.

3. Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва фаолият юритишини эркинлаштириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш мақсадида, давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш вазифаси қўйилган эди, шу асосда, текширишлар натижалари бўйича молиявий ва маъмурий жазоларни фақат суд томонидан тайинлаш тизимига ўтиш тавсия этилган.

Бундан ташқари, хўжалик субъектларига нисбатан қўлла-ниладиган жазо чоралари тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқиш вазифаси қўйилган бўлиб, қасддан содир этилмаган ва катта бўлмаган қоидабузарликлар учун жазо чораларини камайиштириш ва тадбиркорлар етказилган зарарини ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаган ҳолларда жазони қўллашдан воз кечиш амалиётини йўлга қўйиш тавсия этилган.

(Давоми бор).

**Жамолiddин ОЧИЛОВ,
«Асака» банк 1-тоифали мутахассиси.**

¹ ЎЗР Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш-дир» номли маърузаси «Маърифат» газетаси 29.01.2005 й. 8(7721)-сон.

ХАЛҚ БАНКИНИНГ НАВБАТДАГИ НАМУНАЛИ ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон ва Германия давлатлари ўртасида 2003 йилда имзоланган келишувга асосан Халқ банки Германия Жамғарма кассалари Фонди билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўтган қисқа муддат ичида ҳамкорлар Халқ банкининг 5 та туман (шаҳар) филиалларини замонавий мебел, компьютер техникалари ва бошқа жиҳозлар билан тўлиқ таъминладилар. Банкнинг бир нечта етук мутахассислари Германиянинг йирик банкларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ва мижозларга замонавий хизмат кўрсатиш йўналишларида ўз малакаларини ошириб келишди. Фонд томонидан тақдим этилган 2 та замонавий автобуслардаги ўзи юрар банклар 2004 йилдан бошлаб мижозларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Яратилаётган қулайликлар натижасида жойларда мижозлар-

га хизмат кўрсатиш, айниқса кичик бизнес субъектларини кредитлашда катта ютуқларга эришилмоқда.

Ҳамкорликнинг иккинчи босқичида банкнинг Марказий идораси қошида Халқ банки ходимларини ўқитиш учун янги Ўқув маркази очилди ва куни кеча Фарғона вилоятидаги намунали Фарғона шаҳар филиалида мижозларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Банкнинг Фарғона шаҳар филиали Фонд ҳисобидан Германияда ишлаб чиқарилган мебел, жиҳозлар ва замонавий компьютер техникалари билан жиҳозланди ва тўлиқ таъмирланди. Эндиликда мазкур намунали филиалда тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, айниқса маҳаллий товар ишлаб чиқарувчи хунармандларни кредитлаш жараёнига кенг йўл очилди.

Галина ЗАРЕЦКАЯ.

ИЖТИМОЙ СОҲАГА ЁРДАМ

Осиё тараққиёт банки Ўзбекистонда иккита болалар уйига (шулардан бири ногирон болаларга мўлжалланган), шунингдек Тошкент вилоятининг Ногиронларни иқтисодий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига, ногирон болаларга мўлжалланган 66-махсус меҳнат мактабига ва Тошкент шаҳар перинатал марказига компьютер техникаси тўпламларини тақдим этди.

Имконияти чекланган аҳолига ёрдам бериш ОТБ билан Ўзбекистон ҳукумати ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим соҳасидир. Япония камбағалликни қисқартириш жамғармасининг 1,5 млн. АҚШ доллари миқдоридagi гранти ана шундай ҳамкорлик намуналаридан бири. Бу грант ОТБ томонидан 2006 йил март ойида тасдиқланди. Келишувга мувофиқ, маблағлар Ўзбекистондаги имконияти чекланган болалар учун бошланғич таълимни такомиллаштириш лойиҳасини амалга оширишга, шу жумладан ихтисослаштирилган мактабларни ахборот-коммуникация техникалари билан жиҳозлашга, жисмоний нуқсонлари бўлган ўқувчилар учун махсус ускуналар, шу жумладан эшитиш аппаратлари ва ногиронлар аравачалари етказиб беришга, шунингдек айрим умумий таълим мактабларини қайта куриб, ногирон болаларга янада қулайлаштиришга сарфланади.

Ширин БАЙСЕНОВА.

ПУЛ БИЛАН ИШЛАШ ТЕХНИКАСИ

Пул билан ишлашнинг янги технологияларига бағишлаб «TexSistemaServis» компанияси томонидан ташкил этилган семинар шу йил 22 майда пойтахтнинг «Grand Mir Hotel» меҳмонхонасида бўлиб ўтди. Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг вакиллари, республика тижорат банкларининг мутахассислари қатнашди.

Муомаладаги нақд пул ҳажми ошиб борган ва йирик банкнотлар улуши кўпайган сари нақд пул билан ишлашда йўл қўйилган хато қимматга тушиши ва бу ишнинг ишончлилиги камайиши мумкин. Шунингдек республиканинг тижорат банклари ҳам мунтазам равишда ўз чакана хизматлари доирасини кенгайтиришга ҳаракат қиладилар. Бу ҳам нақд пул билан ишлашнинг янги технологияларини жорий этишни тақозо қилади.

Тақдимот маросимида «TexSistema-Servis» бош директори Исроил Маҳмудов, Россиянинг «Gamma Center» компанияси электрон сотувлар бўлини маси менежери Сергей Панинцев сўзга чиқдилар. Семинар қатнашчилари эътиборига қуйидаги ускуналар ҳавола қилинди: Assistant 450, Assistant 500 ва Assistant Super DVM, банкнотлар ҳақиқийлигини аниқлаш детекторлари, DoCash депозит колонкалари, шунингдек Sapfir 500 ахборот-маълумот киоскалари, Sapfir 610 нақд бўлмаган тўловларни қабул қилиш терминали ва бошқалар.

Ҳозирги вақтда бирорта ҳам касса муассасаси банкнотларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш детекторларисиз ишламайди. Инфрақизил белгиларни текширадиган детекторлар айниқса катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳозирги банкнотларда ишлатилаётган бўёқлар бир қарашда бир хил рангда кўринади. Лекин улар спектрнинг инфрақизил (ИК) нурларида турлича товланади. Бундай ҳолат бўёқларнинг ИК-

метаўлчовлиги деб аталади. Агар расм ранги бир хил, аммо хоссалари турлича бўлган иккита бўёқ билан бажарилган бўлса, спектрнинг ИК-соҳасида яхлит расмнинг фақат ИК-нурларни акс эттирувчи бўёқ сурилган жойига тўғри келадиган қисми кўринади, холос. Сохта банкнотларда бунга ўхшаш ҳолатлар ҳозиргача аниқланмаган. ИК-ҳимояни қўллаш усулда тақдорлаб бўлмайди, махсус ускунадан фойдаланганда эса сохта пул жуда қимматга тушади.

Сўнгги вақтларда банклар мижозларга пул бериш ва улардан пул олиш ускуналарини жорий этишга эътибор бериб, уни нақд пул билан ишлаш технологияларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналиши деб ҳисобламоқда. Бунда техниканинг икки тури асосий ҳисобланади. Бири, операция залида мижозларга нақд пул беришда ишлатиладиган аппарат – электрон кассирлар. Иккинчиси, пул берибгина қолмасдан, шу билан бирга пул қабул қилиб, банкнотнинг ҳақиқийлигини текширадиган рециркуляторлардир.

Чакана бизнес юқори технологияга асосланганидагина фойда келтиради. Шу сабабли, нақд пул билан самарали ишлаш чакана банк хизматлари бозорида рақобатбардорликни таъминлашнинг муҳим омили бўлиши мумкин.

Лола АБДУАЗИМОВА.

«ТАШАББУС» КРЕДИТ УЮШМАСИ ЛИЦЕНЗИЯ ОЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори билан «Ташаббус» (Фарғона шаҳри) кредит уюшмасига фаолият кўрсатиши учун тегишли лицензия берилди.

«Ташаббус» кредит уюшмасининг фақат пул маблағларидан ташкил топган устав фонди 12,1 млн. сўмдан кўпроқ миқдорда шакллантирилди.

Кредит уюшмаси асосий йўналишини ўз аъзоларининг маблағларини депозитларга жалб қилиш орқали уларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини молиявий ресурслар билан таъминлашга қаратади.

Ҳозирги пайтда республикамизда 29 та кредит уюшмаси бор.

Марказий банк матбуот хизмати.

ТАЛАБАЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ

Алоқа ускуналари ва телекоммуникация ечимлари соҳасида жаҳонда етакчилик қилиб келаётган Эрикссон компанияси Ўзбекистон олий ўқув юрларининг талабалари ва аспирантлари ўртасида SIP (IMS) протоколига асосланган мультимедиа иловасига доир энг яхши ғоя учун очиқ танлов эълон қилди.

Танлов иштирокчилари учун вазифа SIP (телефония ва интернет-конференциялар протоколи) ҳамда IMS (мультимедиа иловаларини қўллаб-қувватлаш платформаси) асосида оригинал ғоя ишлаб чиқишдан иборат. Бу лойиҳалар тамомила янги ва оригинал бўлишидан ташқари, уяли алоқа абонентларининг муайян сегментига аниқ йўналтирилган бўлиши зарур. Масалан, миллий банк тизимига ахборот технологияларини кенг татбиқ қилиш жараёни кечаётган бугунги кунда банк-молия соҳасида уяли алоқадан фойдаланиш жуда қўл келади. Шунининг олган ҳолда корпоратив банк бошқаруви, банк-мижоз муносабати ва молиявий хизмат кўрсатиш соҳаларига алоқадор янги мультимедиа дастурларини яратиш уяли алоқа имкониятла-

рини янада кенгайтириши шубҳасиз. Эрикссон компаниясининг ушбу танлови бу борада янги кашфиётларга, ихтироларга олиб келса ажабмас. Зеро бугунги ўзбек ёшларининг ахборот технологиялари соҳасидаги билимлари хорижий тенгдошлариникидан асло кам эмас. Ушбу иқтидорни юзага чиқариш ва ҳаётга татбиқ қилиш танловдан кўзланган асосий мақсаддир.

«Эрикссон телекоммуникациялар соҳасидаги истиқболли технологияларни ўзлаштиришга оид ишланмаларга эндигина қўл ураётган ёш мутахассисларни ҳаммаша қўллаб-қувватлаб келган, деб таъкидлади Эрикссон компаниясининг Ўзбекистондаги бош менежери Карл-Олоф Берквист, - Ўзбекистонда талабалар ва аспирантлар учун илк бора ўтказилган танловимиз бунинг энг яхши тасдиғидир».

Танлов 22 майдан 1 ноябрга қадар давом этади. Ҳолилар эса, 1 декабр куни аниқланади. Танловда биринчи ўринни олган лойиҳа муаллифига 2 400 000 сўм, иккинчи ва учинчи ўрин эгаларига эса, 1 200 000 сўмдан мукофот топширилади. Шунингдек, оригинал ғоялар муаллифларига SonyEricsson компаниясидан рағбатлантирувчи мукофотлар тақдим этилади.

Алишер ДАВЛАТОВ.

«КАПИТАЛ УНИОН» КРЕДИТ УЮШМАСИ

2006 йил 24 июн куни соат 10.00 да пайчиларнинг 2005 йил якунларига бағишланган умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.
Манзил: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 86-А уй.

КУН ТАРТИБИ

1. Кенгаш, Ижроия органи ва Кредит кўмитасининг 2005 йил учун ҳисоботи.
2. Аудиторлар ва тафтиш комиссиясининг 2005 йил учун ҳулосасини тасдиқлаш.
3. Кредит уюшмасининг 2005 йилги йиллик балансини тасдиқлаш.
4. 2006 йил бизнес режасини тасдиқлаш.
5. Кредит уюшмаси Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.
6. Бошқа масалалар.

Маълумот учун телефон 144-40-03

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Жаҳон иқтисодий ва
дипломатия университети
«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ
Тадбиркорликни ахборот билан
қўллаб-қувватлаш «Заковат»
ижтимоий жамғармаси

ТАХРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов
(Тахрир Кенгашининг раиси),
Ашур Қодиров
(Тахрир Кенгашининг раис ўринбосари),
Равшан Охунов
(Тахрир Кенгашининг
масъул котиби),
Раҳмон Каримов
Абдурахмат Боймуротов
Баҳодир Хўжаев
Михаил Перпер
БОШ МУҲАРРИР
Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ
АХБОРОТ ХИЗМАТИ КўРСАТУВЧИЛАР:
ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАО,
«Иқтисодий ахборот агентлиги»,
«Бухоро-пресс» АА.
Реклама ва эълонлар учун
134-13-18
телефони орқали мурожаат қилинг.
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700000, Тошкент,
Ф. Мавлонов кўчаси, 1а-уй.
e-mail: bankingnews@tshtt.uz
www: finance.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари тахририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.

Тахририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, «БА»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилди. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ⓣ Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 137-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-703

Тираж 6891 нусха.

Босишга рухсат этилди
23.05.2006 й.